



Давр руҳига ҳамоҳанглик ёхуд такомиллашув палласи

Нуқтан назар

Рустам ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати
бўлим mudiri.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га бағишланган маърузаси шубҳасиз, миллий давлатчиликнинг ривожланиши ва кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фуқаролар сиёсий онгининг юксалиши ҳамда демократик ислохотларнинг тадрижийлиги билан чамбарчас боғлиқдир.



Мазкур Концепция Ўзбекистон ривожланиш стратегиясини амалга оширувчи яна бир аниқ ва пухта тактик қадам бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда илгари сурилаган тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилиши айнан сиёсий партияларнинг бу жа-

ртинга қанчалик тайёр эканига боғлиқлиги ҳақидаги фикрлари мазкур сиёсий ташкилотларда фаолият юритаётган партия функционерлари учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, янгиликлар ва сиёсий трансформация жараёнида аввалги иш юритиш услублари, партия тузулмаларининг эски

Давоми 4-бетда ➤

Яқин тарихимизнинг адолатли манзараси


Муносабат

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг
Ўринбосари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши раиси.

Ҳаммамизга маълум азалий аксиома бор: замоннинг кескин бўрилиш паллаларида, пўртанали ижтимоий-сиёсий эврилишлар жараёнида ҳаёт сахнасига элим деб, юртим деб ёниб-күйиб яшайдиган, халқ дардига дармон бўлай, миллат қайғусини ари-тай деган жасоратли, фидойи, буюк Шахслар чиқиб келишади. Бундай комил инсонларга эга бўлган, улар раҳнамолигида машаққатли иқтисодиёт, сиёсат, таъбир жоиз бўлса, маънавият синовларидан муваффақият билан ўта олган, оқсоч тарих учун киприк қоққунчалик қисқа муддат ичида оламшумул ютуқларга эриша олган халқ ўз толеига ҳар қанча шукронолар айтса арзийди. Шубҳасиз, одам киндик қони тўкиладиган гўшани танлай олмас, аммо бундай Ватанда яшамоқ саодати ҳаммага насиб этавермаслиги ҳам бор гап. Зеро, бундай Ватанинг ўз эгаси бор. Эгаси бор юрт эса, Юртбошимиз алоҳида таъкиллаб ўтганидек, ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди. Қаддини тиклаган, душманга оёқ ости бўлмаган мамлакатнинг бугуни шукҳли, эртанги кун буюк бўлажак.

Озодликка
фақат курашиб
эришилади.

Ислам КАРИМОВ



нинг илк кунларидаёқ тилга олган гурҳимат сўзларни эслайлик: «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узок давом этадиган йўлидир».

Давоми 2-бетда ➤

Мамлакатимиз истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: «Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».

Мустақилликнинг ўтган 20 йилида эришилган ютуқ ва тажрибалар эндиликда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий негизларини ислох этишга, фуқароларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий жиҳатдан такомиллашуви, демократик ислохотлар ҳамда модернизация жараёнида жамиятда сиёсий, ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар сиёсати: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

ва бу борада «Адолат» СДП фаоллиги

Таълим кредити

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.



Истиқлол йиллари ҳаётимизда рўй берган оламшумул ўзгаришларни кўз олдимишга келтирсак, кўнглимиз тобора равшан тортиб кетаверади. Биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб кўринг. Ёшларга ҳақон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия берилаётгани, энг илгор ўқитиш услублари жорий этилаётгани, янги илм даргоҳлари фаолияти йўлга қўйилаётгани, ўғил-қизларимизга дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражада касб-хунар ўргатилаётгани фикримизнинг яққол тасдиғи.

Энг муҳими, истиқлол йилларида айна шу жараёнларнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва яратиш босқичлари тобора такомиллашиб бораётганлигидир. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришган дастлабки йилдаёқ, 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Давоми 3-бетда ➤

Инсон ҳуқуқлари маданияти

уни шакллантиришда сиёсий
партияларнинг ўрни

Депутат минбари

Камола ХАМИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.



Таъкидлаш жоиз, жамиятимиз ҳаётини сиёсий, ҳуқуқий маданият тушунчасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб, янги сиёсий меъёрлар ҳамда янги қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

Инновацион технологиялар

уни амалиётга муваффақиятли жорий этиш ва
такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда

Дастур доирасида

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,
«Adolat» мухбири.
Рустам НАЗАРМАТОВ
олган сурат.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Universal Medical Treatment» МЧЖ ҳамкорлигида «Кичик бизнес субъектларида инновацион технологияларнинг татбиқ этилиши — аҳоли ижтимоий муҳофазасининг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Қўйи палата депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, мутахассислар, партия фаоллари ва манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлар етакчилари иштирок этган мазкур тадбирда мавзуга доир кўплаб долзарб масалалар қизгин муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда ➤

Концепция тарғиботи ва сиёсий тафаккур



4-бет

Кенгаш томонидан Концепцияни кенг тарғиб этиш мақсадида тарғибот гуруҳи тузилган бўлиб, унинг таркибига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, туман Кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари киритилган. Ана шу гуруҳ ёрдамида жойларда, хусусан, пойтахт туманларидаги барча ташкилот ва корхоналарда, таълим, тиббиёт муассасаларда, ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари каби тадбирлар ташкил этилмоқда.

Тиббиёт тизимидаги ислохотлар

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда қўл келмоқда




5-бет

Шуни таъкидлаш керакки, она ва болага тиббий хизмат кўрсатувчи юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган бундай муассасалар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳомилалар аёллар ва болалар малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Фотоэлектрик қурилмалардан фойдаланиш истиқболлари

... муқобил энергия турларини ишга тушириш углеводород ёқилғи турлари захираларининг камайишигагина боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга янги конларни қидириш ва уларни ўзлаштиришнинг катта маблағларни талаб қилиши, улар эса ўз навбатида ўта чуқур конларни қазийш ва бу ишларни бажаришда ўта мураккаб илмий масалалар ва технологияларни қўллашни тақозо этади.



7-бет

Сиёсат

Яқин тарихимизнинг адолатли манзараси

Давоми. Боши 1-бетда

Ахир қаминга китобнинг маънави ерида тилга олинган воқеага шохидман, анави воқеа хусусида эса эшитганман. Айни пайтда биз билмаган қанчадан-қанча кенг кўламдаги мураккабликлар, зиддиятлар, ихтилофлар, Юртбошимизга хос соғлом ақл ва бошқалиқ келтирган зафарлар борасида қимматли маълумотлар олдим.

Китобдаги мақола, суҳбат ва чиқишлар тарихан қисқа муддат — ўттиз ойга яқин вақтни қамраб олади. Аммо ундаги мазмун, моҳият, ўғитлар жидд-жидд китобларга ҳам сизмаслиги аниқ.

Чиндан ҳам, агар озгина мушоҳада юритиб кўрсангиз, 1989 йилнинг 24 июнидан 1992 йилнинг 4 январига қадар бўлган оралиқ Ватанимиз тарихидаги оғир, изтиробли, мушкулотларга, курашларга мўл ва айни дамда энг зафарли, энг қимматли ютуқларга эришилган давр бўлиб қолажак.

Китобдан мустақиллик остонасида юртимизда мавжуд вазиятнинг объектив баҳосини оласиз.

Катта авлод вақилларига яхши маълум, биз ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шўро мафқураси “ривожланган социализм даври” деб эълон қилган, аслида турғунлик йилларида яшамоқда эдик. Матбуот, радио-телевидение “ириб-чириб бораётган капитализм-империализм”нинг аврастарини ағдариб сўкишдан, “дунёдаги энг адолатли жамият” деб талқин этилган СССР’ни мадҳ этишдан тинмасди.

Аммо дунёнинг олтидан бирини эгаллаган шўролар давлатида нималардир юз бермоқда эди. Айниқса, пахта яққоқимлиги қўлига айланган Ўзбекистонда бу ҳолат аяқдор ҳолатга эди. Чунинчи, халқи мўҳнатқас, диёнатли, бир бурда нонга қаноат қилиб яшайдиган бу республика нима

учундир “боқиманда” деган тавқи лаънат остида қолганди.

Республиканинг собиқ раҳбари Ш.Рашидов вафотидан кейин ўзбек халқига нисбатан бўлган тазйиқлар, хўрликлар янада кучайди. Айниқса, биринчи котиблик курсисига ўтирган И.Усмонхўжаевнинг сиёсий калтабинлиги, журъатсизлиги эл бошига янгидан-яңи шўришлар солди. Буни тасаввур этиш ҳам мушкул, аммо юрт етакчиси(!) кутилмаганда Ўзбекистонга олис Россиядан “виждон”, яъни ҳалол мутахассис-кадрлар олиб келиш ташвишига тушиб қолди ва ўз режасини амалга оширди ҳам. Бунинг натижасида республикамизга хўжайиндек кириб келган кўлаб “қимматли кадрлар” қаторидаги Гдлян-Ивановлар амалга оширган қонунбузарликлар, хунрезликларни ёзаверсангиз, бутун шўро матуботи ўзбек халқи бошига тинимсиз ағдариб турган мағзавалардан воқиф бўлсангиз тепа сочингиз тикка бўлади, нахотки раҳбар одам ўз халқини шунчалик зулмга дучор этиши мумкин, дея ёқа ушлайсиз. Ҳолбуки...

Ислом Каримов 1991 йилнинг 28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида қилган маърузасида гоёта аянчилик билан оқиб-оқиб келган “Пленумларда қилинган барча маърузаларни, мен шунини очиб айтишим керакки, аввалига Пономарев, Анишев, Огарок ва уларнинг тўдаси тахрир қиларди, сўнг Усмонхўжаев минбарга чиқиб, ана шу тайёр нарсаларни ўқишга тушарди. У кўпинча маърузада гап нима ҳақда бораётганини билмаган ҳолда ўқирди”. Ана сизга улкан бир юрт раҳбарининг асл қиёфаси!

“Мен яқинда — 1983 йилда бўлган воқеаларни, “пахта иши” деб аталмиш ишлар бошланган даврни, Ўзбекистонга юзлаб тергов-

чилар, “қонун хизматкорлари” ва қорчалонлар келиб, кўнглига келган номаъқуллиқларни қилган вақтларини эслаймак. Ушанда республикамиз аввалига қарахт бўлиб қолди, ҳамма кўркувга тушди, сўнгра бироз тинчланиш, айтиш мумкинки, рўй бераётган воқеаларга баҳо бериш бошланди, кейинги босқичда одамларнинг ва умуман, кўпчиликнинг газиби кўзгади. Рўй бераётган воқеаларни қабул қилмаслик, уларга фаол қаршилик кўрсатиш жараёни бошланди. Агар ушанда, 1989 йили республика раҳбарлари бу ишларга ара-лашмаганида, вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирларни кўрмаганида ўнглаб бўлмайдиган аҳвол рўй бериши мумкин эди”.

Бу Президентимизнинг 1991 йилнинг 12 мартда “Ди Цвйт” немис ҳафтаномига саволларига берган жавобларидан олинган иқтибос. Чок-чокидан сўкилиб бораётган шўро давлати талваса ичида сўнги кунларини ўтказётган пайти дадиллик билан айтилган гаплар, чўқур малакали тахрир.

Хўш, Ислом Каримов республика етакчилигини қўлига олган пайтда аҳвол нима учун бу қадар ғариб эди? Ислом Каримов 1990 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезидида сўзлаган “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” сарлавҳали маърузасида бу саволга зўқоқлик билан, теран жавоб беради: “Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари галаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу йлларда нималарда наноён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз

асосан хомашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўймай хомашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади”.

Эътибор беринг, деярли олтиш йилдан бери давом этиб келётган бундай иттифоқ миқёсидаги “писандсизлик” Ўзбекистонни қандай аҳволга солди: “Статистиканинг кўрсатишича, ҳозир Ўзбекистонда аҳоли жонбарлиги ҳисобланганда даромади 75 сўмдан ошмайди, 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун кечирги учун қамада ҳозирги кунда 85 сўм заруриликни эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.”

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзланган нутқдан. 1989 йил 19 август.) “Ўзбекистон ҳар киши бошига ялли ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст... Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўш маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилади... Республикага келтирилётган товарларнинг 60 фоизи машиналар, асбоб-ускуналар, энгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир. Фалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда

қимматли хомашё — пахта, нитрон, капролактан ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжирини ниҳоясига етказилмаганлиги оқибатида айни шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда”. (Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезидида сўзланган маърузадан. 1990 йил 5 июнь)

Ҳа, Ислом Каримов раҳбар этиб тайинланганида Ўзбекистон инкироз ёқасида эди.

Шубҳасиз, неча-неча йиллар давомида тўлланиб қолган маҳобатли муаммоларни, таъбир жоиз бўлса, мадда бойлаб кетган ярани бир нафасда даволаб бўлмайди.

Президент қандай жасорат ва журъат, масъулият билан ишга киришгани китобда жамланган нутқлар, маърузалар, мақола ва суҳбатларда яққол бўй кўрсатиб турибди.

Маълумки, Ислом Каримов 1989 йилнинг 23 июнидан республикамиз раҳбари сифатида иш бошлади. Эртаси куниёқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказган Ислом Каримов бир мuddат бурун Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликларга объектив баҳо беради, ўз нутқида “Биз бундан бунён эскича ишолмай-миз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деган шиддатли сўзлари билан маълум маънода келгуси фаолиятининг бош йўналишини ифодалаб берди.

Яна бир бор қайд этиб ўтай, катта авлод вақиллари ёқидида бордир, қайта қуриш даврининг охирига қадар келиб мамлакатда қонунбузарлик, коррупция, бошбошқоқлик бениҳоя кучайган эди. Бундай оғир шароитда одамлар нафақат эртанги қонга, балки ўзлари яшаб турган бугунги кунга ҳам ишонқирамасдан, ваҳима

билан қарашарди. Ёмғирдан кейинги кўзқориндай пайдо бўлган айрим сиёсий гуруҳлар эса ўз манфаатлари йўлида содда одамларни лақиллатиб, уларнинг кўнглига баттар ваҳима солишдан бошқасига ярамай қолганди.

Шундай бир шароитда “Биз киммиз? Кимнинг авлодимиз? Ўз аждодларимизга муносиб бўлайлик!” дея майдонга чиққан Ислом Каримов ўз шахсий ибратни, жасорати билан ҳам халқ эътирофига, ишонч ва муҳаббатига сазовор бўлди. “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Нега деганда, бундай миллат бугунги ҳаётда ҳар қадамда оқоқликка йўл қўяди, йўлидан адашадиган” дея алоҳида таъкидлаб ўтди Юртбошимиз.

Халқ — катта куч. Халқ — зўқоқ. Халқ, айниқса, раҳбарга баҳо беришда унинг шахсий фазилатларига, ҳислатларига алоҳида эътибор қаратади. Биргина мисол: 1991 йилнинг 10 декабрида Наманганда рўй берган ҳодиса кимнинг ёқидан чиқди? Ушанда Наманганлик бир гуруҳ кўпуровчи кучлар вилоят иқроия кўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантириш талаби билан чиқишганди. Наманганга зудликда етиб келган юртимиз Президентини Ислом Каримов жазавога тушган мутаассиб оломон орасига яққа ўзи, соқчиларсиз ва ҳамроҳларсиз кириб борган ҳамда босиқлик, вазминлик билан уларни хато йўлдан қайтаришга муваффақ бўлган эди. Бу воқеа оғиздан-оғизга ўтди, ҳатто айримлар ўшанда кутуриб турган оломон орасига Президент оқ отда кириб келгани, дейишга бошладилар. Лекин бу ҳам одамларнинг Юртбошимизга бўлган эътиромининг бир кўриниши.

Президентимизнинг яхши бир гапи бор: “Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидасиз мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди”. Халқ

қимиз мустақиллик арафасида очин-тўқин кунларни бошидан ўтказди, йўқчиликка дучор бўлди. Ўзи миллионлаб тонналаб пахта етиштириб, бир газ сурпга зор бўлди. Заминдан миллионлаб кублаб газ чиқиб турган бу юрт фуқаролари оддий печкаларга тезак ёқишга мажбур бўлди. Бўм-бўш дўконлар, арзимаган нарсага соатлаб навбатда туришлар — буларнинг бари ўтмишда қолиб кетди. Шўқр, фаровон кунларга етиб келдик. Қонун устуворлиги турмуш тарзимизга айланди. Мустақиллик арафасида ҳам, Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳам Президентимиз бутун сайёҳаракатини юрт фуқаролари асло адолатсизликка учрамаслиги учун сарфлади.

Бугун дунё тамаддуни “Ўзбек модели” деган атаманни истеъмолга киритмоқда. Бу Президентнинг, ўзбек халқининг ютуғи.

Бугун дунё юртимизда амалда бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳавас билан қарамоқда. Айнан “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини мутуола қиларкансиз, бугун Президентимизда машаққатларга тўла 1990 йилда пайдо бўлганни шохиди бўласиз ва бу қадар узоқни кўра билш салохиятдан ҳайратга тушасиз.

Халқимиз деярли бир ярим аср мобайнида орзу қилиб келган Истиклолга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эришди. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мана шу машаққатли, оғир, уқубатли, айни пайтда шарафли жараёни тўлақонли акс этириши билан ҳам қадри.

Биз маъзур китобни бутун халқимиз, айниқса, шўро истиқболда даврини кўрмаган ёшлар учун муҳим қўлланма, дастуриламал деган бўлардик. Зеро, бу китоб орқали суронли яқин келмишимиз манзараларидан воқиф бўлаемиз, айни пайтда Истиклолнинг қадрига кўпроқ ета борамиз.


Инновацион технологиялар

уни амалиётга муваффақиятли жорий этиш ва такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари И.Саифназаров. — Маълумки, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз дастурида аҳолининг кенг қатламлари учун тиббий хизмат сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларда фаол иштирок этиш масалаларини илгари суради. Қолаверса, партиямиз миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини инновацион ривожланиши масаласига биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратмоқдаки, бу соғлиқни сақлаш тизимига ҳам бевосита дахлдордир. Чунки соҳага фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари асосида ишлаб чиқилган илгор инновацион технологияларни изчил жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сўзга чиққанлар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ҳамда “Адолат” СДП Сайловолди дастуридаги бир-бири билан уйғун гоғларни изчил амалиётга татбиқ этишда мазкур тадбирнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлашди. Соҳага дахлдор, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкор қорхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклиқни янада мустаҳкам-



лаш лозимлигига эътибор қаратилди.

— Истиклол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида улкан ўзгаришлар рўй берди. — деди фракция аъзоси З.Ботирова. — Тиббиёт муассасалари, ҳатто чекка ҳудудлардаги шифо масканлари ҳам замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш механизми принципал жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, замон талаб ва эҳтиёжларидан, маҳаллий шарт-шароитлардан, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда мутлақо янги чина тарзда ташкил этилди. Инсон манфаатлари устувор юртимизда фуқаролар соғлиқни сақлаш масаласига, ин-

сон саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига ҳавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва барқарор этиш, юқумли ва вирусли инфекцияларга қарши кураш, бир сўз билан ифодалганда, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш юқори чўққига кўтарилди, деб бемаъл айта оламиз. Биргина тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат янги тизим, вилоят марказларида туғма ногиронликнинг олдини олишга иктирослашган замонавий “Скрининг хизмати” марказларини эслашнинг ўзи қифоя.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ташаббуси билан республикамизда инновацион фаолият билан

боғлиқ барча муносабатларни, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига инновацион технологияларни жорий этиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, тиббиёт соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда фракция аъзолари, партия фаоллари ва соҳа ходимларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Партия ижтимоий ривожлантириш дастурларини кенг жамоатчилик текширувидан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳар миқёсида жамоат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни асосий вазифалардан бири деб билади. Шу боис

партия ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — қасаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

— Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмалари органлари томонидан кичик бизнес субъектлари, хусусан, хусусий дорихона, тиш даволаш, кичик хусусий тиббиёт поликлиникалари сингари муассасаларда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қасаба уюшмалари кўмиталари тuzилмоқда, — деди Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмалари Марказий Кенгаши етакчи мутахассиси А.Қаршиев. — Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДП билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Мазкур тадбирнинг ҳам ушбу ҳамкорлигининг узвий давоми дейиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда “Universal Medical Treatment” МЧЖ ўртасида гуманитар лойиҳа амалга оширилиши

бўйича баённома имзоланди. Унга мувофиқ партия кенгаши раҳбари билан бир қатор ногиронлари, уруш катнашчилари, республиканинг ноқулай эко-

бежиз эмас. Негаки, бу масқанда юқори малакали шифоқорлар томонидан I гуруҳ ногиронлари, уруш катнашчилари, республиканинг ноқулай эко-

...«Миллий инновация тизими»ни (МИТ) ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу яқин истиқболда гоғлар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади».

(Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастуридан)

логик ҳудудидаги аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун хайрия тадбирлари олиб борилиши таъминланади. Тадбирнинг “УМТ” МЧЖ билан биргалликда ўтказилиши





Ёшлар сиёсати: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

ва бу борада «Адолат» СДП фаоллиги

«Давоми. Боши 1-бетда»

Конунни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури», «Ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида», «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида» каби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, «Мақтабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқа муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинганлигини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Қолаверса, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарilib, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам ёшларга оид сиёсатнинг Давлат мақоми даражасига кўтарилганидан далolat.

Тизимга кўрсатилаётган бе-қиёс ғамхўрликнинг, аниқроғи, ҳуқуқий асосларнинг амалдаги ифодасига узвий давом бўлган «Таълим тўғрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларнинг изчил иж-роси бугун ўз самарасини бераётганини бутун жаҳон кўриб турибди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 20 майдондаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малака-ли мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизими-ни янада ривожлантириш ва уни юксак чўққиларга кў-тариш борасида бамисли дастуриламал бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-камасининг 2001 йил 26 июлда-ги «Олий ўқув юрларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бе-

риш тўғрисида»ги қарори ҳам ёшларнинг таълим олишлари-ни қўллаб-қувватлаш ва шу баробарида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга мух-тож қатламни ижтимоий му-хофаза қилишга қаратилгани билан муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу қарор Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларни амалга ошириш учун тобора кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган та-лабаларни ижтимоий мухофа-за қилишни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юр-тларида тўлов-контракт асоси-да ўқиш учун тижорат банк-лари томонидан таълим кре-дитлари бериш тартиблари белгиланган. Бу тартиб мам-лакатимизда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб амалиётга муваффақиятли жорий этилиб келинмоқда. Кредитлар тиж-орат банклари томонидан

Олий таълим муассасалари-нинг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Респу-бликаси фуқароси бўлган та-лабаларнинг ўқиши учун та-лабаларнинг ўзларига, улар-нинг ота-оналарига ёки ва-ийлиларига берилмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йил-гача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга бериб келинаётир. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга қирмайди.

Республикамизда 2011-2012 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига жами 56607 нафар талаба қабул қилинди. Ҳозир уларнинг 19560 нафари давлат гранти, 37047 нафари тўлов-контракт асосида таълим олмақда. Ма-гистр йўналиши бўйича 5880 нафар ўғил-қиз талабалик бахтига мушарраф бўлишди. Уларнинг 1566 нафари дав-лат гранти, 4314 нафари тўлов-контракт асосида ўқи-моқда.

Ўтган йилнинг январь ойи-дан бошлаб, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг олий ўқув юрларида таълим олишига йўналтирилган суммаларига даромад со-лиғи солинмайдиган бўлди-

ки, бу ҳам жуда катта им-тиёздир.

Яна бир имконият — ота-оналаридан бири ишонаси (иш берувчи)га мувожаат қилиб, ўзи ёки фарзандининг олий ўқув юртида ўқиши учун контракт-тўловини тўлаш, тўловни кейинчалик ўз даро-мадидан ушлаб қолиш шarti билан ссуда беришни ҳам сўраши мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчи тақдим этилган ссуда ҳисобидан хо-димнинг ҳар ойдаги дарома-дидан маълум миқдорда уш-лаб қолади.

Бундай таъриба бугунги кунда халқор микёсда ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумла-дан, АКШ, Германия, Швеция, Норвегия, Дания сингари яна бир қатор мамлакатларда ўз ички имкониятлари ва миллий хусусиятларидан келиб чи-ққан ҳолда ёшларга таълим кредитлари бериш таъриба-си тобора оммалашиб бор-моқда.

Шулар ҳақида ўйлар экан-сиз, беихтиёр — шитоб би-лан кетаётган мазкур ишлар-да мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мавжуд сиё-сий партияларнинг роли қан-дай? — деб ўйлаб қолишим-гиз ҳам табиий. Масалан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасидаги фракцияси аъзолари республикамизнинг ҳар бир фуқароси таълим олиши, таълимдан сўнг яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши ва истаган пайтида ўз ишини (машғу-лотини) ташкил этиш имконла-рини ярата олиши йўлида Президентимиз фармонлари, Парламент қонунлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида изчил иш олиб бормоқда. Бир сўз билан ифода этганда, партия мамлакатда олий таъ-лим тизimini янада мустаҳ-камлаш ва ривожлантириш-нинг доимий тарафдори бўлиб келаяпти. Партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган устувор вазибалари қаторида таълимга, замона-вий ўқув тизимига, хусусан, унинг замонавий даражасини ошириш, мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш, энг юксак талабаларга жавоб бе-радиган стандартларни иш-лаб чиқиш, зарур дарслик ҳамда қўлланмаларни чоп этишга ҳам алоҳида аҳамият

берилганлигини кўрасиз. Жумладан:

«...Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизи-мининг энг яхши анъанала-рини қўллаб-қувватлаш ва кўпайтириш, сифатли ўқитиш билан бирга юқори маъна-вий ва ахлоқий кадрларга суянадиган таълим муас-сасаларини тарғиб қилиш;

— сифатли таълимдан фойдаланишни таъминлаш бўйича қўшимча таълим-хуқуқий ҳужжатлар ва мақ-садли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш.

— касб-хунар таълими-нинг меҳнат бозори билан алоқасини мустаҳкамлаш, давлат буюртмаси ва мута-хассисларни мақсадли тай-ёрлаш тизimini тақомил-лаштириш, қўшимча таълим-ни ривожлантиришни рағ-батлантириш каби вазифа-лар белгилаган.

Булардан кўриниб туриб-дики, «Адолат» СДП таълим тизimini ислоҳ қилиш ор-дан кетаётган замонавий билимга эга бўлишлари, уларнинг онги ва дунёқара-ши ўзгариши, тизимнинг за-монавий даражаси ҳамда моддий базаси яхшиланиши-нинг доимий тарафдори бўлиб келган ва бундан кейин ҳам унинг нуфузли та-рафдори бўлиб қолаверади. Бир сўз ила айтганда, Ўзе-бекистон «Адолат» социал-де-мократик партияси, бу — ке-лажакка интилган партия, бу — ёшлар партияси. Бугунги кунда унинг сафларидаги аъзоларининг қарийб ярми-ни 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Улар мустақиллик йилларида ўзларининг қатъий ҳаётий позициясини эгаллаб, шахс сифатида шаклланиб улгур-ган ёшлардир. Партиянинг шаҳар, туман Кенгашлари раёслиги лавозимларига ре-зерв кадрлар рўйхатини 40 фоиз ана шундай ёшлар ташкил этмоқда. Улар ишлаб-турган жабҳаларида ва жа-моат ишларида ўзларининг ташаббускорлиги, изланув-чанлиги ва интилувчанлиги билан танилган ёш кадрлар-дир. Партия мамлакатни барча соҳада модернизация-лашда, инновацион сиёсат-ни амалга оширишда ва пи-ривардида, ислохотларимиз одимларини тезлаштиришда айна шуларга суянади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти

уни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни

«Давоми. Боши 1-бетда»

Зеро, жамият сиёсий мада-ниятининг юксак кўрсаткичи — кишиларнинг давлат олиб бо-раётган ички ҳамда ташқи сиё-сатни, унинг асосий йўналиш-лари, мазмуни ва амалга оши-риш усул ҳамда услубларини тўлиқ тушуниши ва тушунтира билишидир. Демак, мамла-катимизда амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг муваффа-қияти кўп жиҳатдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳуқуқий мада-нияти даражасига боғлиқлиги ўз исботини топмоқда.

Эътироф этиш керак, мам-лакатимизда амалга оширила-ётган кенг қамровли ислохот-лар жараёнида сиёсий партия-ларнинг инсон ҳуқуқлари ма-даниятини шакллантириш бо-расидаги ўрни ошиб бормоқ-да. Хусусан, Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмала-ри мақомини конституциявий даражасига кўтарди. Асосий Қонуннинг 60-моддасида «Сиёсий партиялар турли та-бақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакил-лари орқали давлат ҳокимия-тини тузишда иштирок этади-лар» белгиланган.

Бу — сиёсий партияларга тегишли қонунчилик — улар-нинг жамият ҳаётидаги роли ошиб бориши ва давр тала-би билан ҳамроҳанг тарзда ривожланиб бораётгани де-гандир. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилash ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модерни-зация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучай-тириш тўғрисида»ги Консти-туциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик исло-хотларни чуқурлаштириш бо-ҳотида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади. Бунда сиёсий партияларнинг фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаол-лигини ошириш, аҳолининг сайлов жараёнида хоҳиш-иродасини ифодалаш, мар-казда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши лозимлигига ало-ҳида аҳамият қаратилди. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида даставвал парла-ментдаги кўпчиликнинг ва муҳолифатнинг мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракция-лари раҳбарларини Қонунчи-лик палатаси Спикери ўрин-босари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Шунингдек, Бош ва-зир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан масла-хатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тас-диқланишида қатъий белги-ланган тартиб ва механизми-нинг жорий этилгани — дав-лат қурилиши соҳасида де-мократик ислохотларни чу-қурлаштириш йўлида муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-натынинг 2010 йил 12 ноябр-даги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократ-ик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи дасту-рий маърузасида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибаларни аниқ белгилаб берди. Унда белгиланган устувор йўна-лишлардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва

кўшимчалар қиритиш тўғри-сида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилинди. 98-моддага қири-тилган қоидага асосан, Ўзе-бекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палата-сига бўлиб ўтган сайловлар-да энг кўп депутатлик ўрин-ларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилади.

Бу нормага асосан, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатишининг янада демок-ратик тартиби жорий этил-моқда. Ушбу моддада Бош вазирга нисбатан ишонсиз-лик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилди. Мазкур янгиланган ривожланган демок-ратик давлатлар таърибаси-га тўла мос келади.

Конституциянинг 78-модда-си 15-бандига киритилган қўшимчада Қонунчилик пала-таси ва Сенатнинг биргалик-даги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисо-дий ривожланишининг дол-зарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколати назарда тутилган. Бу норма ҳукумат раҳбарининг парламент орқали ҳақ-олида ҳисоб бериш инсти-тути бўлиб хизмат қилиш ба-рорбариди, парламентнинг наз-орат фаолиятини янада та-роқимлаштириш, ҳукумат фа-олиятининг бошқарувда ош-коралик, очиклик ва ҳисоб-дорлик принциплари шаф-фофлигини таъминлайди.

Амалга оширилаётган ушбу ижтимоий-сиёсий исло-хотлар мазмун-моҳияти ин-сон манфаатлари ва унинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, давлати-миз раҳбари Концепцияда таъкидлаганидек: «...Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамла-катимизда ҳуқуқий таълим ва сайлов жараёнида хоҳиш-иродасини ифодалаш, мар-казда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши лозимлигига ало-ҳида аҳамият қаратилди. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида даставвал парла-ментдаги кўпчиликнинг ва муҳолифатнинг мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракция-лари раҳбарларини Қонунчи-лик палатаси Спикери ўрин-босари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Шунингдек, Бош ва-зир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан масла-хатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тас-диқланишида қатъий белги-ланган тартиб ва механизми-нинг жорий этилгани — дав-лат қурилиши соҳасида де-мократик ислохотларни чу-қурлаштириш йўлида муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-натынинг 2010 йил 12 ноябр-даги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократ-ик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи дасту-рий маърузасида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибаларни аниқ белгилаб берди. Унда белгиланган устувор йўна-лишлардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва

ий-сиёсий ислохотларни чу-қурлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида изчил тарғиб қилишни ташкил этиш;

— халқор ташкилотлар, энг аввало, БМТ тизимидаги муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган халқ-аро тадбирларида Ўзбеки-стон вакилларининг фаол иш-тироки бўйича яқин ҳамкор-лики таъминлаш;

— журналист кадрларни тайёрлайдиган ва қайта тай-ёрлайдиган олий таълим му-ассасаларида ўқув режаларига инсон ҳуқуқ ва эркинликла-рини ҳимоя қилишда омма-вий ахборот воситаларининг иштирокига оид мамлақати-миз ҳамда халқор таъриба-ни ўрганишни кўзда тутувчи махсус ўқув дастурларини киритиш.

Партия инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўзининг ижтимоий ҳамкорлари билан ҳамкорлигини янада кенгай-тиришга ҳаракат қилади. Бу фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббуслари-ни рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фа-олиятини тақомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яра-тиш имконини беради. Бу бо-рада партия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги, Эко-логик ҳаракат, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзе-бекистон Республикаси Исте-момчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федера-цияси ҳамда Ўзбекистон Ад-вокатлар палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қолаверса, пар-тиянинг парламентдаги фрак-цияси томонидан ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Пре-зидентимиз Концепциянинг бешинчи йўналишида «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чи-қиш лозим» деб билдирган тақлифига кўра, фракция то-монидан бир қатор амалий ишлар бажарилди.

Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респу-бликаси Миллий маркази бил-лан ҳамкорликда ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари маданиятини шаклланиши: таъриба ва истикболлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция, Юристар ма-лакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ўтказил-ган «Адвокатура тизимининг тақомиллашуви — суд-ҳуқуқ ислохотларининг тарқибий қисми сифатида» мавзусида-ги давра суҳбати, Ўзбеки-стон мудофаасига кўмакла-шувчи «Ватанпарвар» ташки-лоти билан ҳамкорликда уш-тиришган «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик ис-лохотлар муваффақияти га-рови», «Инсон ҳуқуқ ва эр-кинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситала-рининг ўрни» мавзусидаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Фракция уларни ўтказишда «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури»ни ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчи-лик фикрини ўрганиш ва те-гишли хулосаларни қонун ҳужжатларида акс эттириш-ни мақсад қилиб қўйган.

Бу вазибалар партиянинг сайловолди дастурий вази-баларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, уни муваф-фақиятли амалга ошириш, шубҳасиз, партиянинг сиёсий майдонда янада фаолроқ иш-тирок этишига хизмат қилади.

Партия ҳаёти

Давр руҳига ҳамоҳанглик

ёхуд такомиллашув палласи

«Давом. Бош 1-бетда»

Бугунги кунда сиёсий партиялар ўртасида рақобатчилик кайфияти ортиб борагани сайин электроратнинг улар фаолиятига қизиқиши тобора кучаймоқда. Бундай ҳолларда ҳар бир сиёсий партия ўзининг сайловолди дастуридан келиб чиқиб фаолият юритиши билан бир қаторда, бошқа партиялар фаолиятига ҳам эътиборсиз қараб турмаслиги маълум. Эътибор, кўп ҳолларда, партиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларга қаратилади.

Турли мавзудаги бундай тадбирлар ҳалқнинг сиёсий онги ва маданияти, дунёқаролини шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, ўтказиладиган тадбирлар савияси электрорат учун тушунарли бўлиши муҳим жиҳатлардан дир. Шу боис, аксарият сиёсий партиялар бу жиҳатларни эътибордан четда қолдирмаган ҳолда ҳудудий партия ташкилотлари билан биргаликда бир қанча катта-кичик тадбирлар ўтказиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон «Адолат» СДП демократик ислохотларнинг янги босқичида» мавзуда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда партия фаоллари иштирокида туркум семинар-тренинглари ҳамда янги форматдаги «Демократик ривожланишнинг янги босқичида» Ўзбекистон «Адолат» СДПни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш мавзусидаги минтақавий семинарларни ташкиллаштирди.

Ҳуш, 2002 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур семинар-тренинглари қутилаётган натижаларни бермоқдами? Ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани? Партия ташкилотларининг ҳудуддаги обрў-эътибори юксалдики? Энг муҳими, бўлажак сайловларда, мен «Адолат» СДП номзодига овоз бераман, деган тарафдорлар сони ортдики?

Албатта, бу масалаларнинг барчасини чуқур таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича тақдирларни ишлаб чиқиш айна вақтда долзарб вазифалардан биридир.

Таъкидлаш керакики, мазкур тадбирлар орқали ҳудудий

партия ташкилотлари ходимлари ва фаоллари партия раҳбарияти, янги меъёрий ҳужжатлар, рўй бераётган ўзгаришлар ва гоёлар билан яқиндан муфассал танишишга муваффақ бўлдилар. Бироқ далил, статистика деганлари жуда ўзар бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, баъзи бир партия кенгашлари ҳали ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашаётгани йўқ. Бунинг сабаблари кўп омилларга боғлиқ ва таҳлиллар бу борада муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Мисол, айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари ходимлари ханузгина партия мафкураси партиянинг асосий кучи, унинг ўзаги, бошқаларни ўз атрофида бирлаштирувчи муҳим омил эканини тўла англаб етмаган кўринади.

Маълумки, партиянинг яна бир муҳим кучи унинг аъзолари, фаоллари ва тарафдорларидир. Маълумотларга қараганда, бир неча вилоят туманларида аъзолар сонининг ортиши билан бир қаторда, айрим туманларда уларнинг сафи камайган. Бу вазиятни қандай изоҳлаш мумкин? Аъзоларнинг партия сафидан чиқишига қандай омиллар сабаб бўлган? Ёки аъзоларнинг ўзи бўлмаганми?

Демак, юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, бир қатор масалаларни ҳал этиш лозим бўлади. Хусусан, оммавий, мафкуравий, ташкилий-партиявий тадбирлар сонини кескин равишда ошириш, партия мафкураси, ундан келиб чиққан ҳолда мақсад-вазифаларни аҳолига кенг таништириш зарур. Ҳар бир партия ходими, аъзоси ва фаоли унинг мафкураси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларини мукамал билиши шарт.

Партия фаолларини ўқитиш жараёни доимийлигини таъминлаш лозим. Бир йилда бир мартаба ўқувни ташкил этиб, кўзланган натижаларга тўла эришиш мушкул. Шу боис, сиёсий ўқув марказлари бугунги кунда нафақат партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида, балки ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ҳам ташкил этилмоқда.

Партияга аъзо бўлган ёки хайроқолик билдирган фуқаро билан доимий алоқани сақлаш керак. Агар у фаоллик кўрсатаётган бўлса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Боиси, биргина туман

кенгаши раиси алоҳида шахс сифатида партиявий-ташкилий, мафкуравий, маънавий-маърифий ишларни олиб бориши осон иш эмас. Шу маънода, унинг атрофида ташкилий-мафкуравий жиҳатдан жипслашган, ҳамфикр гуруҳ бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Сайловолди даврида, имзо тўллаш жараёнида ҳам бу гуруҳнинг асқотиши муқаррардир.

Бу борада бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, оддий партия аъзоси доим ҳам сиёсий жараёнлар ва партия ҳаётига рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлмаслиги мумкин. Айна бошланғич партия ташкилоти ўз зиммасига йиғилишлар ўтказиш орқали ҳар бир партия аъзосига юқори партия ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар, партия раҳбар органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳияти, сиёсий тизим доирасида кечаётган жараёнлар ва уларга нисбатан партия позицияси ҳақида тўлиқ маълумотларни олишга қодир бўлади.

Ўз навбатида, аъзолар партия томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тадбирлар режаси ва ҳаракат дастурига нисбатан, керак бўлса, танқидий нуқтаи назардан фикр билдириб, уларни юқори партия ташкилотига етказишда ҳақлидир. Ана шундай жараёнларда партия аъзосининг рақат қатнашиши орқали мазкур бошланғич партия ташкилотига бирлашган аъзолар ичида ҳамда қуйи ва юқори партия ташкилотлари ўртасида яқдиллик, ҳамфикрлик ва маслаҳатчиликни юзага келтириш мумкин.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқиш фойдадан ҳоли эмас. Партия меъёрий ҳужжатларида туман ва шаҳар Кенгашлари таркиби 20-25 кишидан иборат бўлиши белгиланган бўлиб, унга партия ишида фаол қатнашаётган аъзолар, туман ва шаҳар ҳудудига обрў-эътибор қозонган шахслар, партиядан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари киритилиши кўрсатилган. Аммо таҳлиллар кўрсатишича, айрим партия Кенгаши таркиби номигагина тузилган, натижада партия қарорлари ва тадбирлар ре-

жаси туман, шаҳар Кенгашлари раисининг ишга жиддий ёндашмаслиги туфайли ҳудуддаги партия электроратига етиб бормаяпти. Аслини олганда эса, электрорат ва аҳоли билан яқиндан ишлашда айнан туман ва шаҳар партия Кенгашларининг ўрни бекиёсдир. Сабаби, улар зиммасига ҳудуддаги партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш, уларни рўй бераётган ўзгаришлардан вақтида бохабар этиш, жойларда тадбирларни ташкиллаштириш орқали аҳолини партия мақсад-вазифалари билан таништириш каби вазифалар юқулатилган. Шу боис ҳам мазкур масалани ижобий ҳал қилиш ва туман ҳамда шаҳар партия Кенгашларининг тўлақонли фаолият юритишига эришиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Партия Сиёсий Кенгаши, парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамда барча ҳудудий партия ташкилотлари сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, унда белгиланган мақсад-вазифаларга бағишланган масалаларни ёритишга қаратилган оммавий тадбирлар ва лойиҳаларни уларга қизиқиш билдираётган ташкилот-муассасалар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Ҳар бир вазифага бағишлаб тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб турилса, партиянинг аҳоли ўртасидаги нуфузи ҳам, мавқеи ҳам кескин ошади. Ёки муайян бир вазифаларни вилоятлар ўртасида тақсимлаб, йил давомида мана шу масалани диққат-эътибор марказида ушлаб турилиши тавсия қилиш керак. Масалан, Тошкент вилояти партия Кенгаши қайта тикланувчан энергия манбалари бўйича кўплаб тадбирларни ўтказмоқда. Тошкент шаҳар Кенгаши эса миллатлараро тотувлиқни таъминлашга қаратилган тадбирларга катта эътибор қаратаёпти. Худди шундайин, бошқа вилоятлар ҳам партия дастурида белгиланган мақсад-вазифаларнинг муайян йўналишини ўзи учун белгилаб олиб, шу масалага бағишланган тадбирларга зўр бериши юқоридагидек натижаларга эришишда қўл келиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш усулларини янада такомиллаштириш ҳам муҳим масалалардан бири са-

налади. Қанчалик кўп ва мазмунли тадбир ўтказилмасин, агар улар ОАВда ёритилмаса, таъсири кам бўлади. Шу боис, партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини янада жонлантириш керак.

Партия тизимида фаолият юритиш ҳар бир кадрдан ниҳоятда катта масъулият, билим, заковат ва тажрибаларни талаб этади. Агар ҳодимда бу соҳага қизиқиш бўлмаса, уни ҳатто моддий рағбатлантириш орқали ҳам жалб этиб бўлмайди. Демак, айнан мана шундай фидойий кадрларни партия ишига жалб этиш, жой-жойига қўйиш, керакли тажрибани орттиришга кўмаклашиш партия олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Партиядан сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда сайлов округида яшовчи аҳоли томонидан тушган мурожаатлар асосида ҳудудда мазкур масалага мутасадди бўлган давлат органи, корхона ва ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги партия сайловолди дастури билан боғлиқ бандларнинг бажарилишини назорат қилиш ёки умуман ҳудудга оид муҳим масалаларни сессиялар кун тартибига киритиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан тақдирлар билан чиқиш ишлари анча жонланиб қолди. Бироқ халқ депутатлари туман Кенгашларига сайланган айрим депутатлар бу ҳуқуқлардан етарлича фойдаланмаяптилар.

Юқоридагилардан кўриб турибмики, партиямиз олдида ҳали қилиниши лозим бўлган кўпгина ишлар турибди. Партия қурилиши доимий фидойиликни ҳамда катта куч ва ғайратни талаб этувчи жараён дир. Шу масъулиятни ўз зиммамизга оғли равишда олган эканмиз, жонқуярилик билан ишлашимиз керак. Тўлақонли ва мазмунли фаолият юритиш учун эса барча шарт-шароитлар, қонуний асослар яратилган ҳудудда молиявий дастаклар ҳам етарли. Улардан унумли фойдаланиш эса барчамиздан бирдек масъулият талаб этади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий соҳадаги ислохотлар фуқаролик жамиятининг барча институтларидан, айниқса, сиёсий партиялар ва уларнинг етакчиларидан янада фаол ҳамда ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Зеро, партия сафларини кенгайтиришга сайловларда муносиб ўрин эгаллашга, бир сўз билан айтганда, халқ ишончини оқлашга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

Ишонч топган — таянч топар

Ҳудудий ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам бошқа сиёсий партиялар билан соғлом рақобат муҳити шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнидаги фаолиятини жойлардаги ҳудудий кенгашлари, БПТлар, уларнинг сафларига бирлашган аъзолар ва хайроқоликларига таянган ҳолда изчил олиб бормоқда.

Тошкент вилояти Кенгаши таркибидagi ҳудудий ташкилотлар орасида Янгийўл тумани кенгаши энг фаоллардан бири саналади. Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 1 нафари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатларнинг 2 нафари ҳамда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларнинг 6 нафари айнан Янгийўл тумани кенгашининг аъзоси эканлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Партиямиз сайловолди платформаси ҳамда сайловчиларимиздан тушаётган мурожаатлар асосида депутатлик гуруҳларимиз томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликда бир қатор амалий тадбир-

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган хайр-саховат ва ҳомилий ёрдамлари уларнинг кўнглини тоғдек кўтариб, жамиятда ўз ўринларини топишларида муҳим кўмак бўлмоқда, — давом этди Қ.Маматқулова. — Хусусан, вилоят Кенгашидаги депутатимиз А.Азимов ташаббуси билан яқинда «Шўрали-сой» ҳамда «Бўзсув» ҚФЙларида яшовчи 23 нафар кам таъминланган хонадонларга моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, Навбахор ҚФЙ, Гулистон кўчасида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзанди Саид Анваровнинг Олий ўқув юртида ўқиши учун тўланадиган шартнома пули тўлаб берилди. Шунингдек, туман кенгаши депутати Н.Содиқова ташаббуси билан туман ҳудудидида жойлашган «Плотекс» корхонасига юзлаб ёшларнинг ишга жойлаштирилишига кўмаклашди. Ушбу корхонадаги ишчи-хизматчилар учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, ходимларнинг 98 нафари «Адолат» СДП аъзоллигига қабул қилинди.



ларни олиб бормоқдамиз, — дейди партиянинг Янгийўл тумани кенгаши раиси Қ.Маматқулова. — Давлати-аввало, шаҳар, туман кенгашлари раислари ҳамда фаолларининг бу борадаги сиёсий фаоллигини ошириши давр тақозо этмоқда.

Сиёсий ўқишда партия Тошкент шаҳар туман кенгашларининг Концепция тарғибот-ташвиқотидаги иштироки таҳлил қилинди, бу борада ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шартин яратилди.

Игилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ойша Ахунова мамлакатимизда қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритди ва иштирокчиларга бугунги кунда парламент қуйи палатасида ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳалари ҳақида батафсил маълумот берди.

Мазкур сиёсий ўқиш Концепция мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этиш ишларини янада кучайтиришга, партиянинг Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашлари раисларининг ижтимоий-сиёсий билимини бойитишга, сиёсий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

Концепция тарғиботи ва сиёсий тафаккур

Сиёсий ўқулар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимиздаги «Туркистон» меҳмонхонасида «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилотларининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга қаратилган вазифалари» мавзусида сиёсий ўқув ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия шаҳар ва туман кенгашлари раислари, партия фаоллари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар кучли фуқаролик жамияти барло этиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га бағишланган маърузасида, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Фарида Парманова, — Ўзбекистоннинг истиқболдаги янги стратегия вазифаларини белгилаб берилди. Концепция-

нинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш», «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш», «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш», «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш», «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш», «Демократик бозор ислохотла-



рини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» каби бўлимларида ўз аксини топган ана шу вазифалар мазмун-моҳиятини, умуман, мазкур маъруза аҳамиятини кенг оммага чуқур тушунириш, тарғиб-ташвиқ этиш ислохотларнинг жадаллашувига хизмат қилади.

Қайд этилдики, бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП, хусусан, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кенгаш томонидан Кон-

цепциянинг кенг тарғиб этиш мақсадида тарғибот гуруҳи тузилган бўлиб, унинг таркибига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, туман Кенгашлари

раислари, уларнинг ўринбосарлари киритилган. Ана шу гуруҳ ёрдамида жойларда, хусусан, пойтахт туманларидаги барча ташкилот ва корхоналарда, таълим, тиббиёт муассасаларида, ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари каби тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда аҳолига Концепциянинг моҳияти ва юксак аҳамияти содда, тушунарли тилда, таъсирчан воситалар ёрдамида тушунтирилмоқда.


— Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан амалга оширилаётган ишлар доирасида ташкил этилган мазкур сиёсий ўқишда партиянинг энг қуйи ташкилотлари орқали аҳоли орасига чуқур кириб бориш, Концепция-

Тиббиёт тизимидаги ислохотлар

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда қўл келмоқда

Гузэл ҒУЛОМОВА,
Иқтисод фанлари номзоди,
ЎзР ФА Иқтисодиёт институти
илмий котиби.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширишга, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилашга, унинг барча қатламларига самарали тезкор ёрдам кўрсатишни мақсад қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунинчи, 1998 йилда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш дастури" қабул қилиниб, унда соғлиқни сақлашнинг миллий моделини босқичма-босқич ривожлантириш масаласи қўйилди. Дастурга биноан тизимда амалга оширилувчи ислохотларнинг соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, тиббий ёрдамнинг бошланғич бўғинини ислох қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, санитария — эпидемиологик барқарорликни таъминлаш каби устувор йўналишлари белгиланди.



Дастурнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ҳақида "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий таракқиётининг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари" статистик тўпламида келтирилган маълумотлар дарак беради. Жумладан, дастурни амалга ошириш даврида мамлакатимизда малакали кадрлар ва замонавий тиббий ускуналар ҳамда тиббиёт технологиялари билан тўлиқ таъминланган кишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди ва уларнинг сони 2010 йилда 3 мингдан ошди.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир йўналиши — она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимидаги ўзгаришлардир. Бу борада "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида замонавий

махсус педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлар, туғуруқ мажмуалари, минтақавий махсус болалар тиббиёт марказлари ташкил этилган. Шунинг таъкидлаш кераки, она ва болага тиббий хизмат кўрсатувчи юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган бундай муассасалар нафақат шаҳарларда, балки кишлоқ жойларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳомиладор аёллар ва болалар малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди. 2000-2010 йиллар давомида 11 та перинатал марказлар ташкил этилиб, 2010 йилда уларда 158 минг нафар она ва бола текширувдан ўтказилди, бу 2000 йилга нисбатан 10 марта кўп демакдир. Амалга оширилган дастурлар натижасида мамлакатимизда она ва бола саломатлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар кескин яхшиланганлигини кузатишимиз мумкин.

Масалан, 1990 йилда гўдақлар ўлими коэффициентини 34,6 промиллени ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 11,0 промиллени ташкил этди, ҳар 100 мингга тирик тутилган чақалоққа нисбатан оналар ўлими кўрсаткичи — 1990 йилдаги 65,3 дан 21,0 гача тушди.

Шу ўринда мамлакатимизда йод ва темир етишмаслигидан келиб чиқувчи касалликларнинг олдини олиш мақсадида уни йод билан бойитиш ҳамда йодланган туз ишлаб чиқариш дастурининг амалга оширилиши натижасида ушбу моддалар етишмаслигидан келиб чиқувчи касалликлар, айниқса, туғуруқ ёшидаги аёллар ва болаларда 1998-2000 йилларга нисбатан 2008-2009 йилларда 1,7-2 марта камайганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг

2009 йил 1 июлдаги қарорига асосан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида туғуруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғуруқ мажмуаларининг моддий-техник базасини кенгайтириш ва янгилаш, она ва болага кўрсатиладиган хизматларни халқаро стандартлар даражасига кўтариш, тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни тарбиялаш мақсадлари қўйилди. Соҳада амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар халқаро даражада тан олинмоқда. Хусусан, БМТнинг болалар фонди ЮНИСЕФ Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ютуқлари

"минтақавий модель" сифатида тан олди. 2011 йилда Халқаро "Болаларни қутқаринг" ("Save the children") ташкилоти томонидан эълон қилинган болалар саломатлигини ҳимоя қилишда энг яхши ютуқларга эришган мамлакатлар рейтингига Ўзбекистон 10 та етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Ушбу рейтингни тузишда ҳар 10 кишига туғри келувчи тиббиёт ходимлари сони, мамлакатнинг барча ҳудудларида тиббий хизмат олиш имконияти ва унинг самарадорлиги, оналар саломатлигини ҳимоялаш кўрсаткичлари эътиборга олинган.

Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш дастури доирасида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги даврда республикаимизда ташкил этилган шошилинч тиббий

ёрдам илмий марказининг вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида 13 та филиали, туман ва шаҳарлардаги марказий касалхоналар қошида 171 та субфилиалари, 79 та тез тиббий ёрдам станциялари ва 260 та подстанциялари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан сўнг республикада ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида махсус ихтисослашган тиббий марказлар ташкил этилди, уларнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини янада оширди. Кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урологияга ихтисослашган марказлар давлат дастури доирасида энг янги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бугун бу марказларда 10 мингдан ортиқ операция ва диагностика муолажалари ўтказилганининг ўзи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими мустаҳкамлашиб бораётганининг яна бир исботидир.

Мамлакатимизда санитария — эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га қарши курашишга йўналтирилган сайё-ҳаракатлар ҳам таҳсинга сазовор. Жумладан, ОИТСга қарши кураш маркази, вилоятларда унинг 14 та филиали, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳузуридаги 78 та ОИВ диагностика лабораторияларидан ташкил топган ОИТСга қарши курашиш тизими шаклланди ва бу муассасалар зарур жиҳоз ҳамда материаллар билан таъминланди.

Оқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида деярли барча ёш болаларнинг эмланаётгани туфайли мамла-

катимизда полиомелит, дифтерия, қорин тифи каби бир қатор касалликлар деярли учрамаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришда тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётир. Хусусан, олий ўқув юртиларида ўқув дастурлари янгидан кўриб чиқилди, ривожланган мамлакатларда қўлланилувчи умумий амалиёт врачларини тайёрлаш тизими яратилди, врачларнинг хорижий мамлакатларда малака ошириши учун етарлича шароит яратилди. Айтиш жоизки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида хусусий тадбиркорлик тизими яратилди, энг янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган кўплаб хусусий клиника ва тиббий марказлар пайдо бўлди.

Ижтимоий соҳага, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг тобора ошиб бораётгани соҳа ходимларини қувонтираётгани табиий. Таққослайдиган бўлса, тиббиёт тизимига 2000 йилда давлат бюджети харажатларининг 8,7 фоиз йўналтирилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 12,8 фоизга етди, фақат 2010 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш тизимига 2 триллион сўм сарфланиб, унинг 1,7 триллион сўмини бюджет маблағлари ташкил этди.

Соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида 2011-2015 йилларда 700 дан ортиқ соғлиқни сақлаш муассасаси (вилоятлардаги 27 та кўптармоқли марказ, 12 та минтақавий тиббий диагностика маркази ва 10 та республика ихтисослаштирилган маркази)ни қуриш, реконструкция қилиш ва уларни жиҳозлаш кўзда тутилган бўлиб, бу аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

«Афросиёб мева»нинг экспорт имконияти

икки баробар кенгайиб, Европада ўз буюртмаларига эга бўлди

Зоҳир Тўрақулов,
«Adolat» мухбири.

Булунғурда тайёрланаётган ҳуштов мева шарбатлари ва консервалари Европа бозорларида ҳам чакон сотилимоқда. Жамоа шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 1 миллион 130 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулотни хорижий мамлакатлардаги савдо фирмаларига етказиб берди. Бу бултурги кўрсаткичдан икки баробар кўп демакдир.

Булунғурлик фермерлар билан узаро шартнома асосида иш юритаётган «Афросиёб мева»да қайта ишланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, таннархни арзонлаштиришга бирламчи вазифалардан деб қаратилаётгани боис, рақобат бозорига жамоага чинакам омад келтирмоқда.

— Асосий ишлаб чиқариш цехларини Италиянинг «Фенко» компанияси технологияси асосида

тўлиқ қайта модернизация қилдик, — дейди қорхона раҳбари Аловуддин Тожиёв. — Биргина олма шарбатини тайёрлайдиган ускуналарни 860 минг АҚШ доллари миқдорига маблаг ҳисобига буткул янгиланганимиз сифатини жаҳон талаблари даражасига етказиш имконини берди. Иш унумдорлиги эса 1,4 баробарга ортди.

Дарвоқе, 80 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаётган жамоа

Самарқанд вилоятида саноат салоҳиятини ошириш дастурини муваффақиятли урдалашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Маҳсулот оғирларда тўпланиб қолмай узаро ҳисоб-китоб асосида туғридан-туғри буюртмачиларга етказиб берилаётгани заводнинг иқтисодий-молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб, ишчиларини юқори маош билан ўз вақтида таъминлашга хизмат қилаётир.

Шу тариха ишлаб чиқаришдаги барқарорлик янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳам йўл очмоқда. «Афросиёб мева» туманининг «Ветеринар Шамс» фермер хўжалигида узаро ҳамкорлик асосида 40 гектарлик интенсив боғ барпо этишга кўмаклашди. Исроил технологияси асосида дарахларни томчилатиб суғориладиган усул жорий этилган янги боғ ҳосилини қайта ишлаш заводи ҳам катта наф келтириши кутилмоқда.

Тадбиркор ва ҳуқуқий маданият

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳуқуқий хизмат ва билимлар тарғиботининг ҳам аҳамияти катта. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Савдо-саноат палатасининг Жиззах ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўтказган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

«Тадбиркорларнинг юксак ҳуқуқий маданияти — коррупцияга қарши курашнинг муҳим омил» мавзусида ўтган мазкур анжуманда қўлай бизнес муҳити яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини маҳаллий давлат ҳокимиятлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказиш

бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳофаза қилинди.

Семинарда вилоят прокуратураси, ҳўжалик суди, адвокатлар палатаси ва сиёсий партиялар вакилларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада яхшилаш, кичик бизнесни ривожлантиришнинг истиқболи ва муаммолари, уларнинг ечимига оид маълумотлар тингланди.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар мавжудлиги

қарамай, рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам ишлаб кета олмайди. — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бўлинмаси бошлиғи ўринбосари Темир Шўқуров. — Бунга аксарият ҳолларда уларнинг ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларини яхши билмасликлари сабаб бўлади. Бу масалаларни ҳал этишда ҳудудий бўлинмамиз қошида консалтинг, лизинг, ҳуқуқий, бизнес режалар тайёрлаш, инвестиция, ахборот олиш бўйича кўмаклашувчи хизматлар йўлга қўйилган. Савдо-саноат палатаси тадбиркорларга консалтинг-маслаҳат хизмати кўрсатиб қолмасдан, уларга ўз истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш ва янги технологиялар олишда амалий ёрдам ҳам кўрсатаётир. Мазкур семинар бу борадаги ишларни янада яхшилашга хизмат қилади.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси

2012 йил учун Ўзбекистон Республикаси

вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг.

ASR O'ZBEKISTON OVOZI

Жараён

Инсон манфаатлари олий қадрият

Худудий ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Навоий вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳномолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, айниқса, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган ислохотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Маълумки, юртимизда фуқаролик жамияти институтлари деганда, биринчи галда, сиёсий партиялар назарда тутилади. Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларни шакллантириш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда бунга жавобан мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни кафолатлаш йўлида собитқадмлик билан фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП инсон, унинг манфаатлари олий қадрият деб тан олинган Ўзбекистонда «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учун» тамойилига қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бормоқда.

Биргина бун партиянинг Навоий вилояти Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари инсон ҳуқуқларини изчил ва қатъий ҳимоя қилиш, савдо-сотиқ, коммунал хизматлари, транспорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича аҳоли муносабатларини холис ва чуқур ўрганиб, уларни адолатли тарзда ечилишига эришадиганлиги мисолида кўриш мумкин. Албатта, уни муваффақиятли баҳарлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш қўлланган натижани бермоқда.

— Кенгашимизда аҳоли муносабатларининг ҳеч бири назаримиздан четда қолмайди, —

дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Насриддин Расулов. — Жорий йилнинг ўтган даври мубоимотида партия ташкилотимиз саъй-ҳаракати билан аҳолининг турли мазмундаги 30 дан ортиқ оғзаки ва ёзма муносабатлари ижобий ҳал қилинди. Баъзи шикоят-аризалар тегишли муассасаларга юборилди.

Айни вақтда республикаимизнинг барча жабхаларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилаётган. Вилоят маркази, шаҳар ва туман марказларидан тортиб, олис қишлоқ ва овуларгача мавсумни кўнглидагидай ўтказиш чора-тадбирлари кўриб чиқилмоқда. Бундай хайрли ишларда «Адолат» СДП вақлари, шу жумладан, партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Биласиз, чўл шароитида қиш қаттиқроқ бўлади, — дейди Томди тумани партия кенгаши раиси Мирзагали Бекназаров. — Шунинг учун ана шундай табиий иқлимдаги худудларимизга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Депутатимиз ўринбосари Эмоммуроднинг саъй-ҳаракати билан туман марказидан 150 километр узоқликдаги «Утемурод», «Керегетов» ва «Аяққудук» овуларига мунтазам баллонли газ етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Партия фаолларининг яратилган шарт-шароит, ваколатлардан унумли фойдаланган ҳолда олиб бораётган бу каби хайрли ишлари аҳоли ўртасида партияга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, унинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида йирик sanoat корхоналари билан касаначилар ўртасида йўлга қўйилган кооперация алоқалари ўз самарасини бермоқда.

Кулай ва фойдали меҳнат усули

Фармон ва ижро

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Маъмурият ҳужжат аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, аёллар учун уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан узилмаган ҳолда меҳнат қилиб даромад топиш имконини бермоқда. Касаначилар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сингари соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўймоқда.

Навоий шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари Раҳимжон Элмуродовнинг айтишича, касаначиликка асосланган иш ўринлари ташкил этишда меҳнат бозори талаблари ва бошқа жиҳатлар чуқур ўрганилмоқда. Касаначилик ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш билан бирга оилаларга қўшимча даромад олиб келинмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида шаҳарда ўтган тўққиз ойда 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шундан 700дан зиёди касаначиликни ривожлантириш ҳисобида ташкил этилди.

Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», Навоий иссиқлик электр станцияси каби йирик sanoat корхоналарининг касаначилари айни пайтда иш қийинлари тикиш, турли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, маҳсулотни саралаш, ўраш, йиғиш, қўтиларга жойлаш каби ишлар билан шуғулланмоқда.

«Шамс-Навоий» кўп тармоқли хусусий фирмасида меҳнат қилаётган ўттиз нафар касаначи асосан нон ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайди. Улар ўтган тўққиз ойда 3,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

— Шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қўмағида жорий йил бошида маъмурият фирмага касаначилик асосида ишлаш хар томонлама қўлай ва фойдали экан. Бундан ташқари, қўриқиб турибди. Корхона ишидан ташқари, фарзандларининг тарбияси ва рўзгор юмушларига ҳам улгурмоқдаман.

Ифтихор

Сулув ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти
Кенгаши раиси.

Термиз — жаҳон цивилизациясига ўзининг бой тафаккури ва юксак маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз мангу қўним толган макон. Истиқлол шарофати билан бу замин Юртовимизнинг ташаббуси ва раҳномолигида ўзгача тароват касб этди. Гўшада амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида вилоят маркази таниб бўлмас даражада ўзгорди. Айниқса, Ҳақим Термизий ёдгорлик мажмуаси мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди...

Маънавиятимизга хос замонавий бинолар, хусусан, муҳташам «Бахт уйи», Алишер Навоий хиббонини, вилоят тарихида илк бор ташкил этилган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари муносабати билан бунёд этилган ёки капитал таъмирланган Термиз давлат унйверситети, шаҳардаги академик лицейлар, қатор касб-хунар коллежлари бинолари, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, «Алпомиш» теннис корти ва кураш мажмуаси сингари қатор муассаса ва иншоотлар шаҳримиз кўрқига-кўрк қўшиб турибди.



Истиқлолдан нур олган шаҳрим

Айниқса, шаҳарда барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуаси — 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадий гимнастика ва кўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Маъмурият спорт турлари билан шуғулланиш учун барча қўлайликлар муҳайё этилган. Бир сўз билан айтганда, вилоят марказида амалга оширилган бу сингари хайрли ишлар натижасида воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожига мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Айниқса, Сурхондарёда ҳам йирик-йирик мусобақаларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Шу йилнинг 22-23 октябрь кўнлари шаҳримизда яна бири катта мусобақа, ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII жаҳон чемпиони бўлиб

ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур икки нуфузли мусобақада Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Африка Республикаси, Уругвай, Ироқ, Эрон, Польша, Жанубий Корея, Мўғилистон, Хиндистон каби дунёнинг қирқдан ортиқ давлатлари вакиллари шаҳримизга ташриф буюришди. Бу эса яна бир қарра мардлик, ҳалоллик сингари эзгу ғояларни ўзидан мужассам этган миллий спортимиз — курашнинг халқаро миқёсда оммалашганини исботлади.

Айтиш керакки, илгари Термизда бўлган хорижлик меҳмонлар қисқа фурсат ичида воҳада амалга оширилган бу каби бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларидан лол қолишганлигини яширишмаган бўлса, илк бор ташриф буюрганлари олам-олам таассурот билан қайтишди.

Ҳақиқатан ҳам Истиқлол бошимизни сарбаланд қилди, ша-

ҳар ва қишлоқларимиз обод бўлди, бой тарихимиз, бетакрор анъана ҳамда қадриятларимизни қайтиб берди, энг муҳими, уларни жаҳонга танитиш учун кенг йўл очилди. Бунга ўзбек курашининг дунё ичра тараққиёти ёрқин мисол бўла олади. Эътибор беринг, ҳозир бешта қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилган, Халқаро кураш ассоциациясига 120 га яқин давлат аъзо. Шунинг ўзидан ҳам қисқа фурсатда ўзбек кураши дунёни забт этаётганлигини англаш мумкин.

Мусобақалар доирасида «Ал-Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти», «Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуларида халқаро илмий конференциялар ташкил этилганлиги ҳам маънавияти юксак ўзбек халқини яна бир бор дунёга танитиди, десам асло муболага бўлмайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, вилоятда ўзининг беш мингга яқин аъзоларига эга бўлган

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши фаоллари ҳам Термизнинг кўркамлашишига, байрамларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келинмоқда. Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳарда ташкил этилган «Адолатчилар боғи» меҳр билан парваришланмоқда, маҳалла гузарлари, кўча ва хиёбонлар, хондонлар орасталиги доимо партия диққат марказида бўлиб келинмоқда. Бу каби хайрли ишларда партияимиз аъзоларининг ҳам иштирок этаётганлиги бизни қувонтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизнинг барча гўшаларида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидан четда қолмаётганлиги, ўтаётган икки йилда Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожига мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бераётганидан айтиш мумкинки, Ўзбекистонни тараққий этган давлатлар қаторига чиқишида Сурхондарёнинг ҳам муносиб ўрни бор, албатта.

Иншоот мустаҳкам бўлсин

Реклама ўрнида

Фарход СУВОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти
Давлат-архитектура
қурилиш назорат инспекцияси
ходими.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Натижада сўнгги ўн йилда ялли ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизгача ошди. Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар ривожланишида уларнинг эркин фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида ҳам тадбиркорликларга энгилликлар яратиш мақсадида Вазирилар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизими менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорга асосан худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг намунавий тузилмалари, «Давлат-архитектура қурилиш назорати худудий инспекцияси тўғрисида»ги намунавий, «Қурилиш монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берган ҳолда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомлари қабул қилинди. Натижада, ушбу низом асосида қурилиш объектлари рўйхатга олиниши, қурилиш объектларини рўйхатга олишда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, рўйхатга рухсатнома бериш муддатлари

қайтадан белгиланди ва қисқартирилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш лицензия ажратмалари бекор қилинди; — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг айрим турларини маълум қилиш тартиби асосида сертификатлаштириш йўлга қўйилди. Бунда сертификатлаш муддати бир кунда бепул бажарилиши белгиланди; — хорижий давлатлардан



МДХ ва Туркия давлати сертификатлари 10 иш кунидан тан олинган бўлса, қалқаро асосан ИЛАК ва ИАФ халқаро ташиқлотта аъзо бўлган 50 дан ортиқ хорижий давлатлар сертификатлари тан олинини йўлга қўйилди, бунда хорижий сертификатларни тан олиш 1 кун муддатга белгиланди; — экспортга чиқариладиган маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш йўлга қўйилди.

Давлат-архитектура қурилиш назорати инспекцияси юқоридан зикр қилиб ўтилган қарорларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида қурилиш корхоналари, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга тушунчалар бериб, ушбу қарорлар асосида хизмат кўрсатиб келаётди. Жумладан, инспекция томонидан 2011 йилнинг III чорасида 352 та қурилиш объектлари рўйхатга олиниб, қурилишга рухсатномалар

берилган, шундан 82 таси хуфусий ва юридик тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган қурилиш объектлари ва иншоотларини ташкил қилади. Рўйхатга олинган объектларнинг тасдиқланган лойиҳа ва қурилиш меъёrlари ва қоидалари, шаҳарсозлик талаблари асосида сифатли қуриб битказилиши инспекция ходимлари томонидан назоратга олинган бўлиб, қурилиш қондаларидан оғишган ҳолатларда уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар бериб унинг сифатини таъминлашига эришилмоқда.

Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш мақсадида инспекцияимиз қошида аккредитланган қурилиш маҳсулотлари синов лабораторияси ва сертификатлаштириш идораси фаолият кўрсатишда. Маъмурият лаборатория мутахассислари ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулот-

ларининг давлат стандартлари талабига мослигини таҳлил қилишмоқда ва тадбиркорларга маҳсулотларнинг сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериб бормоқда. Сертификатлаштириш идораси томонидан жорий йил 9 ойи домида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 38 та мувофиқлик сертификатлари берилди. «Самарқанд сув қурилиш индустрия» корхонаси, «ЖБИ Монолит» МЧЖ ва бошқалар шулар жумласидандир. Инспекция томонидан қўрсатилган хизматлар, тақдиф ва маслаҳатлар натижасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошади, янги иш ўринлари ташкил этилади, қурилиш объектларининг хар томонлама пухталиги таъминланади ва энг муҳими биноларнинг замонавий-меъморий кўриниши шаҳримизнинг кўрқига-кўрк қўшади.

Фотоэлектрик қурилмалардан фойдаланиш истиқболлари

Муқобил энергия

Муҳаммад ТУРСУНОВ,
Техника фанлари доктори,
«Физика-Куёш» ИИЧБ,
Физика-техника институти
лаборатория мудир.

Фан ва техника тараққиёти қанчалик илдамлагани сари инсониятнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжи ҳам тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда биз ишлатаётган энергия эса асосан қазилмаларни (нефть, кўмир, газ) ёқишдан олинаётган энергиядир. Қайта тикланмайдиган энергия тури ҳисобланган қазилма туридаги ёқилғиларни ишлатиш табиий муҳитнинг ифлосланишига ва бошқа негатив ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда энергиянинг қазилма турлари, нефть, кўмир ва табиий газ бирламчи энергия ресурсларининг 90 фоизга яқинини ташкил этади. Яқин келажакда ҳам жаҳонда энергия истеъмол қилиш ҳажмининг ҳозирги даврдаги каби ўсиши кутилмоқда. Энергиянинг қазилма турларини ишлатиш ва айнан уларнинг ёниш жараёни бизни ўраб турувчи муҳитга манфий таъсир қилиб, глобал иқлим ўзгаришига ва кислотали ёмғирлар ёғишига сабаб бўлмоқда. Иқлим ўзгариши ва глобал иссиқлик бу Ер сиртидаги ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секинлик билан ортиб бориши демакдир. Кўпчилик олимларнинг фикрига асосан ҳар ўн йилда (20-асрнинг ўрталаридан бошлаб) ўртача ҳаво ҳарорати 0,3 градус Цельсийга кўтарилиши кутилмоқда. Бу эса парник газининг концентрацияси ошиши, унинг асосий қисми бўлган углеводород диоксидининг атмосферада нисбатан ортишидир. Қазилма ёқилғи манбаларидан фойдаланилиши натижасида жаҳон миқёсида атмосферага углеводород диоксидининг 80 фоизи чиқади. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, ҳозир жаҳон миқёсидаги кўмир захираси 30 триллион тонна, нефть — 300 миллиард тонна, табиий газ — 220 триллион метр кубни ташкил қилади. Айрим олимлар нуқтаи назарига кўра, бу захиралар бир неча ўн йилларга


етади, холос.

Шунинг учун, муқобил энергия турларини ишга тушириш углеводород ёқилғи турлари захираларининг қайта тикланишига боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга, янги конларни қидириш ва уларни ўзлаштиришнинг катта маблағларни талаб қилиши, улар эса ўз навбатида ўта чуқур конларни қазиб ва бу ишларни бажаришда ўта мураккаб илмий масалалар ва технологияларни қўллашни тақозо этади.

Шунинг учун бугун қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) — қуёш энергияси, гидроэнергия, биомасса ва шамол энергиясидан фойдаланиш масаласи кун тартибига чиқмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтларда ҚТЭМларини ривожлантириш соҳасида бир неча муҳим тадбирлар ўтказилди ва керакли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2012-2016, 2012-2014 ва 2012-2013 йиллар учун мўлжалланган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун танлов эълон қилинган бунинг исботидир. Президентимиз тақлифига биноан лойиҳаларда энг устувор илмий-амалий йўналиш сифатида қайта тикланувчи энергия турларини ривожлантириш ва амалда қўллашни жадаллаштириш ва керакли маблағ ажратиш тақлиф этилди ва илмий дастурларга киритилди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, кейинги ўн йил-



ликда жаҳон миқёсида энергия ишлаб чиқаришда ҚТЭМ, айниқса, шамол энергетикаси ва фотоэнергетиканинг устуворлиги ортиб бориши башорат қилинаётган. 2008 йилда ўрнатилган шамол двигателларининг ялпи қуввати 100 ГВтни ва фотоэлектрик модулларнинг қуввати эса 10 ГВт дан кўпроқни ташкил этган бўлса, ундан кейинги йилларда ўсиш суръатининг янада ортиши кутилмоқда. Бугунги кунда фотоэлектрик қурилмалар асосида ишлаб чиқарилаётган электр қуввати, анъанавий йўл билан олинган электр энергиясидан 2,5-3 баравар қимматроқ бўлишига қарамайдан, унга бўлган қизиқиш ва уни ишлаб чиқариш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Қайталанувчи энергия турлари ичида қуёш энергиясидан фойдаланиш энг осони ва ҳамма учун имконлидир. Уни ишлатишда жаҳонда анча бой тажриба тўпланган. Ва узок муддатда унинг анъанавий энергия турлари ўрнини босиши мумкин, деб қаралмоқда.

Жаҳон миқёсида қуёш энергетикасидан энг аввало,

уй-жой ва коммунал объектлари иситиш тизимларида ишлатиш, қуёш энергиясини фотоэлектрик элементлар ёрдамида электр энергиясига айлантиришда фойдаланиш кўзда тутилаётганини ҳам таъкидламоқ жоиз.

Юқорида қайд қилинган асосий йўналишлардан ташқари қуёш энергиясини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш (иссиқхоналари иситиш, полиз ва мева маҳсулотларини қуритишда, шўр сувни чучуклантиришда) ва ҳар хил технологик жараёнлар (юқори ҳароратли қуёш печлари, қийин эрийдиган материаллар олишда ва ҳоказо)да ишлатиш мумкин.

Ярим ўтказгичли қуёш элементлари асосидаги фотоэлектрик батареяларни ишлаб чиқариш 2008 йили жаҳонда 5900 МВт ни ва йиллик ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати охириги 5 йилликда 30-40 фоизни ташкил этмоқда. Қуёш элементлари асосий материаллари сифатида кремний ишлатилмоқда. Кристалли кремний асосидаги фотоэлектрик батареялар ишлаб чиқаришда ҳозирги

даврга келиб 30 йилни ташкил этапти. Илмий ҳисоб-китобларга қараганда, бир килограмм кристалли кремний асосидаги фотоэлектрик қурилма 30 йиллик иши давомида шундай электр қувватини ишлаб чиқарадики, бунинг учун иссиқлик электр станцияси 75 тонна нефтни ишлатилиши керак бўлар эди. Ҳозирги замон санъат миқёсида ишлаб чиқарилаётган қуёш элементлари фойдали иш коэффициентлари 17-19 фоизни (етақчи жаҳон илмий лабораторияларида яратилаётган кремнийли қуёш элементлари Ф.И.К. эса 25 фоиз) ташкил этапти.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари қуёш нурланиши энергиясининг қуввати бўйича жаҳонда етакчи давлатлар сафига қиради. Бир метр квадрат юзага тўшади қуёш нурланиши энергияси бир йилда 2000 КВт дан ортқ бўлиб, республикамиз жанубида у 3200 КВт гача етади. Минтақамиз шароитида ўртача ёруғлик вақти 10 соатни ва бир йилда қуёшли кунлар 300 кундан ортқни ташкил қилгани учун фотоэлектрик тизимлардан

фойдаланиш имконияти бе-ниҳоя катта ва фойдалидир.

Мамлакатимиз олимлари қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш муаммоси билан 40 йилдан буён шуғулланишди. Таъкидлаш жоизки, асосий илмий изланишларни Фанлар Академиясининг «Физика-Куёш» ИИЧБ даги бир неча лабораториялар олиб боради.

Физика-техника институтининг «Ярим ўтказгичли қуёш элементлари» лабораториясида кремний ва галлий арсениди асосида қуёш элементларини тажрибавий тайёрлаш экспериментал ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиши натижасида фотоэлектрик батареялар ва қурилмаларнинг ҳар хил қувватли ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб оладиган экспериментал тажрибавий нусхалари яратилди, космос ва ер шароитида тажриба синновидан ўтказилди. Шу жумладан, турли кўтарма-йиғма батареялар, стационар шароитда автоном ишлаб оладиган, қуввати 10 Вт дан 300 Вт гача бўлган қурилмалар яратилди. 2005 йили ЮНЕСКО буюртмаси асосида Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган «Аяз-қалъа» туристик комплекси учун 350 Вт ли фотоэлектрик қурилма ишга туширилди. Наманган аэропортидаги ёриткичлардан бирида фотоэлектрик ёритиш тизими 2008 йили ишга туширилди.

2006-2010 йиллар давомида Физика-техника институти ходимлари томонидан фойдали иш коэффициентлари 15-18 фоизгача бўлган қуёш элементларидан ҳар хил қувватли фотоэлектрик батареялар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистонда тайёрланаётган ёки маҳаллий фирмалар томонидан сотилаётган бутловчи қисмлар асосида республика иқлим шароитида самарали ишлаб оладиган фотоэлектрик батареялар ва қурилмаларнинг янги нисбатан арзон технологияси яратилди. Утган йиллар давомида институт олимлари ҳомийлигида мазкур технологияларни халқ хўжалигига татбиқ қилиш мақсадида бир неча кичик корхоналар яратилди. МЧЖ «MIR SOLAR», «HI-

TECH SOLAR», «Novo Engineering», «New Energy System», МЧЖ «ДЕКА», «Ageev», «Интеллект диалог» лар шулар жумласидандир.

Физика-техника институти ходимлари ҳозирга қадар юқорида номи қайд этилган кичик корхоналар билан биргаликда фотоэлектрик айлантиргичлар самарадорлигини оширишнинг янги йўллари қидириш ва янги тузилмаларни яратиш, республиканинг экстремал шароитида (иссиқ иқлим ва юқори даражали чанглиниш ва бошқалар) самарали ишлаб оладиган ҳар хил қувватли фотоэлектрик қурилмаларнинг тажрибавий нусхаларини тайёрлаш, синновдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш, иссиқ иқлим учун ўта самарали бўлган янги қурилма — фото иссиқлик айлантиргичнинг тажрибавий нусхаларини синновдан ўтказиш, ҳар хил қувватли намуналарини ишлаб чиқариш, биз учун янги йўналиш бўлган, аммо самарадорлиги юқори бўлган нурлантирувчи диодлар асосида тайёрланадиган лампаларнинг фотоэлектрик ёритиш тизимларини тайёрлаш, синнов ва ишлаб чиқариш устида иш олиб бормоқдалар. Буларнинг бари электр қувватини бир неча марта тежаш имконини беради.

Яқин 2-3 йил ичида маҳаллийлаштириш ҳисобига фотоэлектрик қурилмалар таркибида ишлатиладиган электрон жиҳозларнинг бир неча турларини кичик корхоналарнинг бирида ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Юқорида келтирилган йўналишлар давлат дастурларига асосан фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари доирасида олиб борилади. Бундан ташқари, кичик корхоналар юридик ва физик шахсларга турли қувватдаги фотоэлектрик қурилмаларни сотиш ҳисобига маблака кадрлар учун янги иш жойлари ташкил этмоқда.

Айтиш жоизки, амалда қўлланилаётган янги тадбирлар яқин йилларда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, янги турларини яратиш ва татбиқ қилишда яхши омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим — ҳар қандай жамиятнинг ажралмас таркибий қисми, маданият кўрсаткичи ҳамда тараққиёт асоси. Унга эътибор — жамият ривожини, юрт улугворлигини. Бугун биз соҳага мамлакатимизда устувор эътибор берилаяпти, дея баралла айта оламиз. Чунки, мустақиллик йилларида тизимда улкан ислохотлар амалга оширилди. «Таълим тўғриси»даги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши шу ислохотлар учун ҳуқуқий, ташкилий — педагогик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол берган имконият

фарзандларимиз камалига хизмат қилмоқда

Фармула МУРОДОВА,
«Adolat» мухбири.

— Соҳада самарадорликка эришишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар баробарида «Мақтаб тизимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида республикамиз мактаблари фаолияти тубдан ўзгарди. — дейди Фаргона вилояти Тошлоқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирини ўринбосари Махсудали Фахриддинов. — Туманимизда 49 та умумтаълим мактаби фаолият олиб боради. Ушбу билим масканларида 2125 нафар малакали ўқитувчилар фаолият юритмоқда.

Биласиз, ҳозирда янги акробот коммуникация технологияларисиз таълим жараёнини тасавур этиб бўлмайди. Туманимиздаги 46 та умумий ўрта таълим ҳамда 3 та ихтисослаштирилган мактаблар-

дан 35 тасида замонавий компьютер синфлари ташкил этилди. Бундан ташқари, 7 та мактабда Ахборот-ресурс марказлари фаолият юритиб, уларнинг барчаси компьютер ва принтер қурилмалари билан жиҳозланди. Тизимдаги ислохотлар самараси ўларок, 25-умумий ўрта таълим мактабимизда масофадан ўқитиш маркази ташкил этилди. 2 та ўқув синфи компьютер, мультимедиа воситалари ва кичик типография қурилмалари билан ускуналган.

Таъкидлаш жоиз, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида туман ХТБ ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда қатор ишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда туман мактабларида 34 та спорт заллари, 45 та баскетбол, 48 та волейбол, 18 та қўл тўпи ҳамда 31 та футбол майдонлари ўқувчилар ихтиёрида. Уларда 196 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари ва му-

раббийлар устозлик қилишмоқда. 3262 нафар ўқувчилар эса ўзлари танлаган спорт тури бўйича тўғарақларга қатнамоқда. Утган йиллар давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бир неча мактабларда спорт заллари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунинг баробарида қатор ўқув масканларимиздаги спорт заллари қайта таъмирланди. Ҳозир тумандаги 5-, 24-, 28-ўрта таълим мактабларида спорт заллари ҳам қуриш устида иш олиб боришмоқда.

Мухтасар айтганда, амалга оширилаётган бу эзгу ишлар эртанги кунимиз ворислари бўлиш ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари, комил инсон бўлиб воғга етишлари учун хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

«Етти хазинанинг биридан омад топдик, барака кўрдик»,

— дейди Фаргона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоғида жойлашган паррандачилик хусусий корхонаси раҳбари Худойберди Отабоев

Реклама ўрнида
Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

— Утган йилнинг айнаи шу кезларида, — давом этади у, — шахсий маблағимиз ҳисобига ярим гектар ер майдонини сотиб олиб, бир йўла 2 та паррандахона қурилишини бошладик. Бинолар битиши билан 4 минг дона товук харид қилиб, ветеринария қондаларига кўра парваришини бошладик. Натижа яхши бўлди, кутганимиздек етти хазинанинг биридан омад топдик, барака кўрдик...

Ҳа, паррандачиликка ихтисослашган мазкур хусусий корхона одимлари ва режалари бугун мақтаса мақтагулик. Ҳозир бу ерда кунига 4 минг донагача сара тухум етиштирилмоқда. Улар турли ташкилотлар ва савдо пештахталарига корхонанинг ўз «Дамас» машинасида пешма-пеш етказиб берилаяпти.

— Корхонамиз жамоасининг биринчи галдаги вазифаси, — дейди паррандахона ветеринария врачси Зафаржон Максудов, — товуклар парваришини доим рисоладагидек бўлишини таъминлашдир. Шунда уларнинг

сонини ҳам, маҳсулдорлиги ҳам ортиб боради. Товукбоқарларимизни муносиб меҳнат шароити ва мўмайгина иш ҳақи билан таъминлаб бораёلمиз. Масалан, икки маҳал иссиқ овқат, махсус кийим бош, ювиниш ва дам олиш хоналари — ҳаммаси муҳайё.

— Буларгина эмас, — суҳбатга қўшилди яна корхона раҳбари, — ўз ҳисобимиздан паррандахонамиз ёнидан 100 метр чуқурликда қудуқ қазиб истеъмол учун тўла яроқли сув чиқардик ва иншоотларимиз атрофида кўрган кўзни қувонтирадиган ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш иш-



рени амалга оширдик. Мақсадимиз — келгусида корхонамиз ишлаб чиқаришини янада кенгайтириб, товуклар маҳсулдорлигини ошириб, етиштирилган маҳсулотларимизни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам тортиқ қилишдир.

Не ажаб, «интилганга — толе ёр», дейдилар. Интилиб-интилиб шунча ютуқларга эришибсиз, насиб этса келгуси интилиш ва изланишларингиз ҳам омадли бўлсин, «Отабоев Худойберди» хусусий корхонаси паррандабоқарлари!

Сўнгги саҳифа

«Аждарлар» тарихий ғалабага эришишлари мумкин

Бунинг учун Анатолий Демьяненко мураббийлигидаги «Насаф» жамоаси аъзолари Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) кубогининг эртага бўлиб ўтадиган финал учрашувда «Қувайт» спорт клуби футболчиларини мағлуб этишлари зарур

Футбол

Санжар ЭСОНОВ.

Аҳамиятли томони шундаки, ўтган йили Ўзбекистон миллий чемпионатининг бронза медалини кўлга киритган қашқадарёликлар мусобақа регламентига мувофиқ бир ўйндан иборат ҳал қилувчи беллашувни ўз майдонларида ўтказиш имкониятига эга бўлганлар.

Тан олиш жоиз: Қаршидаги «Марказий» стадионда бўлиб ўтадиган финал баҳси ўзбек футболининг миллионлаб мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, мамлакатимиз жамоалари шу кунгача футбол клублари ўртасида ташкил этиладиган китъавий турнирларнинг мутлақ голиблигини кўлга киритиш ўқда турсин, мусобақа финалигача ҳам етиб бормаганди. Финал учрашувини томоша қилиш учун Қаршига Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбари Мираброр Усмоновдан ташқари, Осиё Футбол конфедерацияси президенти вазифининг бажарувчи Жанг Жилонг, ОФК президенти офиси бошлиғи Рожер Луо, уюшма вице-президенти Юсуф ал Серкал каби мартабали меҳмонларнинг ташири буюриши учрашув макени янада оширди, десак муболага бўлмайди.

Умуман олганда, қашқадарёлик «аждарлар» (мухлислар «Насаф» футболчиларини айнан шундай аташди) бу йилги мавсумни ҳар қачонгидан яхши бошлашга эришдилар. Китъа мусобақаларининг гуруҳ бахслари доирасида 100 фоизлик (6 та учрашувда 6 та ғалаба) натижага эришган воҳалиқлар рақиб дарвозаларига 30 тўп киритиб, турнирнинг бу борадаги рекордини янгилашга ҳам улгурдилар. «Плей-офф» беллашувларида эса А.Демьяненко шогирдлари Йорданиянинг «Ал Файсали» ҳамда «Ал Вихдат», шунингдек, «Чонбури» (Таиланд) каби жамоаларга қарши ўтказилган ўйинларда ишончли ҳаракат қилиб, финал йўлланмасига эга бўлдилар.

«Насаф»нинг эртанги рақибига тўхталар эканми, ўз тарихида ўн мартаба миллий биринчилик голиблигини ҳамда тўққиз марта мамлакат кубогини кўлга кирит-

ган «Қувайт» СК футболчилари 2009 йилги мавсумда ОФК кубогини илк бора иштирок этишларига қарамай, ўша йилдаёқ мусобақа бош совринига эга бўлганларини айтиб ўтиш мумкин. 2010 йилда Қувайт чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлган, кейинги йилларда малилик Лассана Фане, бразилиялик Рожеро Де Ассис Силва Коутиньо, кот-д'ивуарлик Борис Ландри Каби сингари легионерлар, шунингдек, миллий терма жамоа аъзолари — Фаҳад Шаҳин, Фаҳад Ал Рашидий, Али Ал Кандари, Жараҳ Ал Атақий каби истеъдодли футболчилар ҳисобига таркиби кучайтирилган «Қувайт» спорт клубига айни пайтда ҳорватиялик мутахассис Драган Талажич мураббийлик қилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумотларга кўра, футболчилик фаолияти давомида дарвозабонлик қилган Талажич 2004 йилги мавсумда Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» жамоаси бош мураббийи бўлган ва айнан ана шу йили шогирдлари билан бирга Осиё Чемпионлар лигаси голиблигини кўлга киритган.

Дарвоқе, эртанги ўйинда ғалаба қозониб, кунги кеча ОФКнинг Малайзиядаги қароргоҳидан Қаршига олиб келинган кубок соҳибига айланган омадли жамоага олтин медаллар шодаси ҳамда 350 минг АҚШ доллари миқдориди мукофот пули топширилиши, ўз наватидан совринни кўлга киритган жамоа аъзolari йил мобайнида катта «ўлжа»ни клуб музейида сақлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Эслатиб ўтамиз: жанубий корейлик ҳакамлар бригадаси томонидан бошқариладиган масъулиятли ўйин жорий йилнинг 29 октябрь кунини соат 19.00 да бошланади.



www.adolat.uz — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳаётдан энг сўнгги янгиликлар, депутатлар билан онлайн суҳбатлар, электоратни ўйлантираётган масалалар билан мурожаат қилиш имконияти, савол ва фикр-мулоҳазалар учун очиқ минбар.

Шунингдек, интерактив хизматлар, таҳлилий-танқидий мақолалар, баҳс-мунозаралар ўзбек ва рус тилларида. Ва албатта, «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси барча сонларининг электрон варианты.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «ТЕХРОН SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (ОКОНХ 71280 ИНН 300567813) ТУГАТИЛАДИ.
Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел: (+99894)667-00-30.

Газетанинг навбатдаги сони 2011 йил 11 ноябрь жума кунини чиқади.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сіёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмон САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Маммажон ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қолір ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақам билан рўйхатга олинган.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217

«Шарқ» НМАК басмахонасида чоп этилади. Қоронга манзил: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-йў. Буюртма F—1000. Ҳақини — 4 босма

Объект устулида босилган. Қоғаз биними А-2. Адади — 3734.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.00

1 2 3 4 5

772093521009

Таҳрир хайъати: 100000.
Тиражи: 10000.
Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.
adolat_gazeta@mail.ru



Юксак марраларнинг тамал тоши

Феруз ЖУРАЕВ,
Рустам НАЗАРМАТОВ
олган сурат.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 589-мактабга таълим маскани тарбияланувчиларини тиришқоқ болақайлар деб аташади. Негаки, улар боғчадаги машғулотлар жараёнида тарбиячиларни турли саволларга кўмиб ташлашади. Таълим муассасаси мутасаддиларининг фикрича, истиқлол тафтидан баҳра олаётган болажонларнинг дунёқараши, фикрлаш қобилиятлари, билим-иқтидорлари бундан ўн йил илгарти болаларниқидан анча юқори.

— Муассасамизда 483 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди боғча мудираси Муҳаббат Одилова. — Бу ўғил-қизларнинг келажакда камил инсон бўлиб вояга етишишини таъминлаш асосий бурчимиз деб биламиз. Шу мақсадда таълим-тарбия жараёнига энг мақбул иш услублари татбиқ этилмоқда. Масалан, боларнинг ўзлари боғча ҳовлисида гуллар экишади, парваришлашади, қушларга уйчалар ясашади. Театрлаштирилган

томошаларда ўзлари роль бажаришади. Бу эса уларда ҳозирданқоқ экологик тафаккур, маданиятни юксалтириш, она Ватанга муҳаббат руҳида камол топишлари учун яхши самара беради, албатта.

Этиборли жиҳати шундаки, айни пайтда ўзбек ва рус тилларида тўғарақлар тузилиб, болаларга хорижий тиллардан, шунингдек, рақс, театар ва тасвирий санъат, спорт ҳамда экологиядан мунтазам

сабоқ бериб келинмоқда.

Тарбиячи Манзура Нурматованинг таъкидлашича, муассасада ҳар бир боланинг иқтидор ва лаёқатини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан эса ота-оналар ҳам мамнун...

— Фарзандларимизнинг иқболи порлоқ, бахти кулган, — дейди Зебохон Тўраева. — Истиқлол шарофати билан, қолаверса, Юртбошимизнинг оталарда меҳри, ғамжўрлиги боис болаларимиз кенг ва ёруғ, энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган таълим-тарбия масканларида сабоқ олишмоқда. Бундай масканларда тажриба, билими, энг муҳими, меҳрибон инсонларнинг фаолият юритиши биз ота-оналарни хотиржам қилади.

Ҳар бир миллат ва давлатнинг эртанги тақдирини ёш авлод белгилаб беради. Мамлакатимизда юксак марраларнинг тамал тоши Истиқлолнинг дастлабки йиллариданқоқ қўйилган, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Тамаки истеъмоли одамлар умрига зомин бўлаётган энг хавфли иллатлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи маълумотиға кўра, ҳар йили ер юзида 5 миллиондан ортқ киши кашандалик оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Чекиш зарарли эканини ҳамма билади, аммо айримлар мен 10 йилдан бери чекаман, ҳеч қаерим оғирмайди, касал ҳам эмасман, аксинча, сигарета чарчоғимни ёзади деб айтади. Бироқ чекиш вирус эмас, балки организмға доимий салбий таъсир кўрсатувчи восита эканлигини ҳар доим ҳам ҳис қилмаймиз.

Кашандалик — умр кушандаси

Оғоҳлик

Г.МАМЕДОВА,
Д.АБДУМАННОПОВ.



Илмий кузатишларнинг шохидлик беришича, эркаклар томонидан ҳар кун чекиладиган 3,5 дона, аёллар чекадиган 2 дона сигарета улар умрини ўртача бир йилга қамайтираётган экан. Қизиқ бир далил. Тиббиётда тамаки маҳсулотларининг истеъмоли 50 дан ортқ касалликларнинг ривожланишиға сабаб бўлиши исботланган. Юрак-томир касалликлари ва ўпка саратони шулар жумласидан. Сигарета чекиш нафақат кашанданинг ўзига, оиласига, ён-атрофдагиларға ҳам катта зарар етказиши. Экологларнинг фикрича, бугунги кунда тоза ҳавонини ифлослантираётган барча чиқиндиларнинг 1-2 фоизи тамаки маҳсулотлари тутуни ҳиссасига тўғри келади.

Тахминларға кўра, ҳозирги тенденция давом этаверса, 2030 йилға бориб тамаки йилға 8 миллион инсон умриға нуқта кўяди. Кашандаликка қарши кураш йўлида керакли чоралар кўрилмаса, асримиз охириға бориб, тамаки йилиға бир миллиард одамнинг ёстигини курилади. Шу боис ЖСТ ўзига хос чоралар тўпламини ишлаб чиқди. Тамаки истеъмоли мониторинги ва профилактика стратегияси, одамларни тамаки тутунидан ҳимоялаш, сигарета истеъмолини тўхтатиш мақсадида ёрдам тақлиф этиш, тамаки билан хафлар тўғрисида оғоҳлантириш, тамаки маҳ-

сулотларини сотишға рағбатлантиришға хизмат қилувчи рекламалар тақикиға рияоз қилишни таъминлаш, тамаки маҳсулотлари солигини ошириш каби чоралар кашандалик муаммосини аста-секин ёчишиға умид қилинмоқда.

Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон бу борада аллақачон чоратадбирларға кўл урган. Масалан, 2009 йилдаёқ, мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари рекламасини тақикловчи қонун қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг апрелидан жамоат жойларида чекиш ва алкоголь истеъмолиға йўл қўйилмайдиган бўлди. 2011 йил 4 октябрь кунини «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг қабул қилинган шубҳасиз аҳоли, биринчи навбатда ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ичкилик ва кашандаликнинг ортидан келадиған касалликлар олдини олиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Ҳурматли юртдошлар!

“Асака” банки (ОАЖ)

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Сизларға миллий валютадаги янги муддатли омонат турини тақлиф этади

«Мураббий — 2011»

Сақланиш муддати — 9 ой
Ҳисобланган фоизлар олдиндан (аванс) ёки омонат ёпилганда (9 ойдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

ДАТ «Асака» банк (ОАЖ) сармомангизни сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди.

Барча жамғармангиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган



Дўлана — шифобахш неъмат

Билиб қўйган яхши
Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Биолог олимларнинг илмий таҳлилларига кўра, тоғ мевалари шаҳардагиларға қараганда 1,5-2 баробар минерал-маъданларға бой бўлар экан.

Шундай шифобахш мевалардан бири тоғ дўланасидир. Унинг меваси октябрь ойи бошларида етилади. Халқ таботатида ҳам ўндан зиёд касалликларни даволашда дўланадан кенг фойдаланилган.

Ҳозирги замон тиббиётида дўлана оғиз бўшлиғидаги яраларни, асаб касалликлари, қон томирлари, айнқиқса, дунё бўйича қон босими хасталиғидан кейин иккинчи ўринда турадиган юрак касалликларини самангари даволашда асқотмоқда.

Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 1220 гектардан зиёд ҳудудда дўлана етиштирилмоқда.

Маълумотларға кўра, дўлананинг таркиби фитостерин, холин, ацетилхолин моддаларига ғоят бой экан. Булардан ташқари, қон томирлари деворини мустаҳкамловчи, инфаркт ва инсульт касалликларининг олдини олувчи РР ва В1, В2 витаминларининг ҳам мавжудлиги бу митти меванинг нақадар шифобахшлигидан далолатдир.

